Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

11 4-йил чиқиши
АВГУСТ 1969 й.
ДУШАНБА
№ 186 (950).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Ўқув йили тараддуди

ТАХТ ҚИЛИНДИ

— Менга биринчи синф дарсликларини беринг.

— Менга ҳам...

Бундай сўзларни ҳозир Фрунзе районининг ҳар бир мактабида эшитишингиз мумкин.

Райондаги барча мактаблар ремонтдан чиқарилди. Бунда юқори синф ўқувчилари ҳам яқиндан ёрдам бердилар. 87, 118 ва 127 каби мактабларнинг капитал ва жорий ремонти биринчи июлгача тугалланган эди.

Ҳозир барча мактабларда ўқувчиларга китоб сотиш ва янги биринчи синф ўқувчиларини рўйхатга олиш тугалланиш арафасида.

Ёз—ўтмоқда соз

УЧ КУНЛИК ПОХОД

Қизил галстуклилар шовқин кўтаришганча автобусларга чиқишди. Кўп ўтмай қувноқларнинг шўх ашулалари янграйди... Бу болалар Фрунзе районидаги 135, 176, 160-мактаб ўқувчилари бўлиб, улар

Бугун

ЧОТҚОЛГА ЖЎНАБ КЕТИШДИ. ПИОНЕРЛАР БУ ЕРДА УЧ КУН КЎНГИЛЛИ САЁҲАТ ҚИЛИБ ҚАЙТИШАДИ.



«Пахтакор» стадиони ёнида тўққиз қаватли Ёшлар уйи қурилмоқда. Архитектура комплексига 300 кишилик меҳмонхона, ресторан-кафе, минг ўринлик танца майдончаси ва сузиш бассейнини уйғунлаштирилади. Бино 11-«Висотстрой» трестининг 2-қурилиш бошқармаси коллективи томонидан қурилмоқда.

СУРАТДА: Яқинда пайвандловчи касбини ўрганиб олган илғор монтажчи Анна Матюнина кунлик нормасини 140-150 процент бажармоқда.

М. Баржанов фотоси. (УзТАГ).

● Шаҳримиз кўркам бўлсин

ХИЁБОН ЧИРОЙИ

Бугун

шаҳар ижроия комитетининг ободонлаштириш Бош бошқармасига қарашли махсус кўкаламзорлаштириш бўлими коллективи В. И. Ленин номидаги хиёбонга янги навли гуллар экишга киришдилар.

Бу узоқ муддатли гуллар келгуси йил 22 апрель — В. И. Ленин туғилган кунгача, текис гулга киради.

● Шаҳримиз кўркам бўлади

БОҒ КЕНГАЯДИ

Бугун

Киров номидаги маданият ва истироҳат боғини кенгайтириш ва қайта қуриш масаласи шаҳар Совети ижроия комитетида кўриб чиқилди.

Яқин келажакда боғни кенгайтириш ишлари бошлаб юборилади. Боғ Шота Руставели ва Богдан Хмельницкий кўчалари оралигида яна кенгайтирилиб, умумий майдони 30 гектарга етади. Келгусида боғнинг асосий йўли Шота Руставели кўчаси томонидаги Тўқимачилар маданият саройи ёнидан бўлади.

Боғда яна қўшимча болалар ва спорт майдонлари, янги гулзорлар барпо қилинади.

ШАҲРИМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЯНГИ ИНСТИТУТ

Бугун


шаҳримизда иқтисодий тадқиқотлар билан шуғулланувчи яна битта илмий-текшириш институти ташкил этилди. Илмий муассаса олдида улкан вазифалар турибди.

Асосий вазифамиз республикамиз халқ хўжалиги соҳаларини территориал планлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқишдан иборатдир. Шу билан бирга янги техника ва техника прогрессининг эффективлигини ошириш ҳамда транспорт-иқтисодий проблемаларни ҳал қилишда ҳам илмий тадқиқотлар олиб борамиз.

Ҳозир институт ҳузурида 17 та бўлим ва сектор ишлаб турибди. Бу йил илмий ходимлар коллективи Ўзбекистон ССРнинг 1971-1975 йиллардаги халқ хўжалигини ривожлантириш плани бўйича илмий ҳужжатларни тайёрлаб беради. Шу билан бирга «В. И. Ленин ва транспорт» деган илмий тўплам тайёрланмоқда.

«Ўзбекистон» нашриёти босиб чиқарадиган мазкур тўплам улуғ доҳиймиз юбилейига институт олимларидан армуғон бўлади.

С. ХЎЖАЕВ.
институт директори.



БУГУНГИ ТОШКЕНТ.
СУРАТДА: Оҳунбобоев майдони.

● Хизматимиз — ҳамшаҳарларимиз учун

ХАЛҚ ХИЗМАТИДАМИЗ

Бундан уч йил илгари шаҳардаги трамвай ҳайдовчилар курсини тамомлаб, бу ерга ишга келганман. Шундан буён «ЦУМ-Ҳамза» маршрутида қатновчи 5-трамвайда машинист - ҳайдовчи бўлиб ишлаяпман.

Акам Комил Раҳимов «ЦУМ-Красносточная» маршрутида қатновчи 13-трамвайни ҳайдайди.

Опам Дилбар Худойназарова эса «Сув спорти — Мевазор маҳалласи» маршрутидаги 18 трамвайни бошқаради.

Биз касбимиздан жуда мамнунмиз. Ахир кишиларга хизмат қилишнинг ўзи катта бахтда!

Муҳаббат ХУДОЙНАЗАРОВА, трамвай/троллейбус депосининг ҳайдовчиси.




БУГУН «ТАШАВТОМАШ»ДА

Заводда республикада улкан машинасозлик гиганти — Тошкент трактор заводи қурияпти. Бу завод 1970 йилдан ишлаб чиқаришга жорий қилиниб, унинг конвейерларидан дастлабки тракторлар чиқабошлайди.

Шу кунларда қурувчи ва монтажчилар шу гигант корхонанинг саноат корпуси иншоотини монтаж қилиб бўлиш арафасида турибдилар. Янги заводнинг қурилиш майдонларига дастлабки станоклар ва бошқа саноат жиҳозлари кела бошлади.

СУРАТЛАРДА: электр подстанция монтаж қилинмоқда. (Ўнгда). Подстанция корхонанинг бир меъёрда ишлашини таъминлайди. Пастда: янги трактор заводининг саноат корпусларидан бири.

В. Сироткин ва И. Глауберзон фотолари.



Мамлакатимиз бўйлаб практикада

МАРОҚЛИ ЭКСКУРСИЯ

Яқинда Давлат университети биология факультетининг учинчи курс студентлари жонажон Ватанимиз бўйлаб бир ойлик экскурсия-практикага жўнаб кетди. Улар бепоён Россиянинг ажойиб шаҳарларида бўлишиб, Тинч океан, Қора ва Каспий денгизлари қирғоқларида ўз назарий билимларини практик машғулотлар билан мустаҳкамлайдилар.

Практик студентлар Владивосток ва Мурманск областлари табиатлари билан танишиб, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини кўздан кечирадилар. Практика студентларда шубҳасиз катта таассурот қолдиради.

Механик-ҳайдовчилар курси

«Ташсельмаш» заводи бош йиғув цехида механик - ҳайдовчилар тайёрлаш курси очилди. Қисқа муддатли бу курсда корхона ишчи-ёшларидан 30 га яқин киши пахта териш машиналарини бошқаришни ўрганмоқдалар.

Курсни тамомлаган ёшларга «механик-ҳайдовчи деган ҳужжат берилади. «Оқ олтин» йиғиб-териб олинаётган қизғин даврларда ёшлар ўз истаклари билан «зангори кемалар» билан ҳосилни йиғиб-териш ишларида қатнаша оладилар. Курсда машғулотларни йиғув цехининг бош технологи Д. Султонов олиб бормоқда.

Ўлкамиз ЯНГИЛИКЛАРИ

Ленин юбилейига

САМАРҚАНД. (УзТАГ). Самарқанд заргарлари Ленин юбилейи шарафига фақрли буюртмани бажардилар. Улар кўкракка тақиладиган бир неча хил значокларни тайёрлаб бердилар. Бу значоклар совет давлатининг асосчиси туғилган кунининг юз йиллигига атаб эсдалик сифатида чиқарилган. Уй-рўзғор буюмлари заводининг заргарлик цехи ана шу значоклар билан бирга «Советлар ҳокимияти учун» ва «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» значокларини ҳам чиқарди.

Заргарлик цехи қадим замонларда машҳур усталар меҳнат қилган «кумуш растасига яқин ерда жойлашган. Ўймакорлар ва зарб қилувчилар бригадасининг механикалаштирилган участкасига 25 йиллик иш стажига эга коммунист Мусо Исаев раҳбарлик қилмоқда. Заргарлик устахонасида 56 ёшли уста Маннон Маҳмудов меҳнат қилмоқда. У самарқандлик машҳур зарбчилар ва заргарлар авлодидандир. Маҳмудовнинг18 фарзанди ва невараси бор. Уларнинг бариси ота ва боболари касбикорининг сирини ўрганиб, моҳир заргар бўлиб етишди.

— Мен,— дейди кекса уста,— ўзимга ва шогирдларимга улуғ Ленин тасвири солинган эсдалик значоклари тайёрлашдек топшириқ берилганидан мамнунман.

Қўриқ ер пахтаси учун

КОСОН (Қашқадарё области), (УзТАГ). Қашқадарё областида ўн етитта пахта тайёрлаш пункти бор эди. Унинг ёнига Косон районида яна битта пункт қўшилди. Бу пункт қўриқ ер ҳосилидан шу йилнинг ўзидаёқ етти минг тоннасини қабул қилиб олади. Пахта ғарам қилинадиган 24 та майдон тайёрланди.

Қарши чўли ўзлаштирилиши муносабати билан «Қашқадарё» совхозида ва «Правда» колхозида янги йирик тайёрлов пунктларини қуриш бошланди. Бу пунктлар келгуси йилдан пахта қабул қилишга киришади.

Инженерлар ўқимоқда

ПАХТАОРОЛ, (УзТАГ). «Пахтаорол» совхоз-техникумининг марказий ремонт устахоналарида пахта териш техникасини ремонт қилиш илғор технологиясини ўрганиш учун Мирзачўлдаги район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармалари ва пахтакор совхозларининг бош инженерлари келишди.

Совхоз-техникум ўзининг механика паркини пахта йиғим-теримига тўла-текис шай қилиб қўйди. 216 та комбайн тахт турибди. Машиналарнинг аҳволини аниқлашдаги янги усул жадал ремонт қилишда қўл келмоқда.

Семинар қатнашчилари совхозда техникани ремонт қилишда механизатни уюштиришга юксак баҳо бердилар. Сирдарё областида пахта терадиган машиналарнинг ремонтини 20 августга қадар тугатиш учун илғор тажрибани жорий қилиш тадбирларини белгилаб чиқдилар.



Самарқандаги «26 Боку комиссари» фабрикасининг ёш ишчиси М. Ибодова ва устози А. Гербовская дастгоҳлар сирини ўргатмоқда.

Н. Муҳаммаджонов фотоси.

ПЛАНГА ҚЎШИМЧА

Кеча

ремонт - механика заводининг 2-цехида янги компрессор ишга туширилиб, ишлар механикалаштирилди. Цехларда ҳавони янгилайдиган вентиляторлар ўрнатилди. «2 А 27-С» аппаратини модернизациялаштириб, «ЭКС-108» маркали ер остидаги тупроқни ташқарига олиб ташлайдиган турли катталикдаги пармалар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

630 тоннали пресс модернизациялаштирилиб ишлатилиши натижасида ишлаб чиқариш унумдорлиги 25-30 процентга ошди, меҳнат шароити яхшиланди.

Ана шулар натижасида завод биринчи марта «ГАЗ-69» маркали енгил машина учун шестернялар ва валлар ишлаб чиқара бошлади. Бу планга қўшимча ҳар ойда 100 жуфт маҳсулот демакдир.

ОБ-ҲАВО БУГУН

ҳаво очиқ бўлади. Шимоли-шарқдан секундига 3-7 метр тезлик билан шамол эсади. Бугун кечаси 10-12, эртага кундузи 29-31 даража иссиқ бўлади.

Саройда клуб

Пойафзалчилар Маданият саройи кечқурунлари кишилар билан гавжум бўлади. Бу ерда турли тўгарак ва студиялар ташкил этилган.

Пойафзалчиларнинг таклифи асосида саройда яна бир маданият ўчоғи очилди. Бу — киноҳаваскорлар клуби.

Клуб томонидан қатор қизиқарли тадбирлар амалга оширилмоқда. Яқинда «Сен кўрган фильмлар», «Замондошларимиз — экранда» деган темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказилди.

Шаҳардаги 1-пойафзал фабрикаси ишчилари ва хизматчиларидан 200 дан ортиқ киши яқинда клуб меҳмони бўлди. Совет киноси тарихи ҳақидаги мазмунли суҳбатдан сўнг бадиий фильмлардан парчалар намойиш қилинди.

«Кино ва нафосат тарбияси», «Фильм ва замонамиз» деган темаларда суҳбатлар ўтказиш планлаштирилди. Суҳбатлар вақтида турли фильмлардан парчалар ҳам намойиш қилинади.

Бунинг учун суҳбатлар мазмунига мос экран асарлари репертуари ишлаб чиқилган.

● ГРАММПЛАСТИНКА ЗАВОДИ ЯНГИЛИКЛАРИ

ИШЧИЛАР ФАХРИ

Алексей Анохинни ишчилар ҳурмат билан тилга олишади. Йил бошидан буён рационализатор А. Анохиннинг бешта таклифи ишлаб чиқаришга жорий қилиниб, меҳнат унумдорлигини оширди ва 10 минг сўмдан ортиқ маблағ тежалди.

САМАРҚАНДГА СОВҒА

Самарқандниинг 2500 йиллик юбилейига оз вақт қолди. Юбилейга ҳамма қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Корхона аҳли юбилейга атаб граммпластинкалар тайёрламоқда. Бу пластинкаларда ўзбек классик қўшиқлари, мақомлар, машҳур халқ ҳофизлари ижро этган ашулалар ёзилган.

Пойафзал модалари

Шу йил сентябрь ойида Москвада Бутуниттифоқ оёқ кийимларни фабрикалари ишлаб чиқарган маҳсулотларининг «Пойафзал-69» кўргазмаси очилади. Бу кўргазмага республикамиз фабрикалари ҳам иштирок этишади.

Кеча

ТОШКЕНТ МОДАЛАР УЙИ ФАРҒОНА, САМАРҚАНД ВА ТОШКЕНТ ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАЛАРИГА ОЁҚ КИЙИМИ ФОРМАЛАРИНИ ЮБОРДИ. Бу формалар асосида тикилган маҳсулотлар Москва кўргазмасида намойиш этиладн.

«ДИЛНАВОЗ» ОРОМГОҲДА

Куни-кеча Давлат университети нинг «Дилнавоз» студентлар ансамбли Юсуфхона оромгоҳига жўнаб кетган эди.

Ансамбль уч кун мобайнида дам олиш уйида мириқиб хордиқ чиқараётган студентлар меҳмони бўлади.

Бугун

ансамбль аъзолари дам олувчиларга катта концерт қўйиб беради.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

КУБАДА ЁШ ЎҚИТУВЧИЛАР ТАЙЁРЛАНДИ

ГАВАНА. (ТАСС) Ёш ўқитувчиларнинг катта бир группаси 1909 юшн Кубадаги педагогика билим юртларини тамомлаб чиқди. Мамлакат тарихида ҳеч қачон бунчалик кўп ўқитувчи тайёрланмаган эди. Халқ ҳокимияти йилларида Макаренко номли ўқув юртларида жами 6205 ўқитувчи тайёрланди.

Грегорио Арлее Маньялич номидаги қанд-шакар заводида шу воқеага бағишланган тантаналикеча ўтказилди. Билим юртларини тамомлаб чиққан ёшлар революция ишига содиқ эканликларн тўғрисида қасамёд қилишди.

ИСТАМБУЛДА ЗАБАСТОВКА

АНҚАРА ((ТАСС). Яқинда Истамбул металлургия заводининг иш ташлаган ишчилари билан полиция ва жандармерия бўлинмалари ўртасида рўй берган тўқнашув натижасида юздан ортиқ киши яралар бўлди.

Туркия матбуотининг хабар беришича, Истамбул металлургия заводининг ишчилари бундан бир неча кун илгари иш ташлаб, завод территориясини ишғол қилганлар. Улар иш ҳақининг оширилишини, коллектив шартномаларининг қайтадан қўриб чиқишини ва меҳнат шароитининг яхшиланишини талаб этганлар. Корхона эгаларн бу талабларни қондиришга розн бўлмаганлар. Истамбул прокуратураси забастовкани тақиқлаш тўғрисида қарор қабул қилган. Аммо, ишчилар иш бошлашдан бош тортганлар ва ўз талабларимиз қондирилмагунча заводдан чиқиб кетмаймиз, деганлар.

Полиция иш ташлаган ишчиларни завод территориясидан чиқариб юборишга урунганида қаттиқ қаршиликка дуч келган. Шундан кейин жандармерия ва ҳарбий қисмлар заводга келтирилган. Улар куч ишлатиб, ишчиларни тарқатиб юборганлар.



ҚОБУЛ. Нон комбинатининг кўриниши.

Э. Пенсон фотоси.

Симпозиум мавзуси— Темурийлар даври санъати

● ШУ КУННИНГ ИНТЕРВЬЮСИ

ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё халқлари цивилизациясини ўрганиш программасига биноан сентябрь ойининг охирида Самарқандда ЮНЕСКОнинг Темурийлар даври санъатини ўрганиш бўйича халқаро илмий симпозиуми ўтказилади. Симпозиумни тайёрлаш ва ўтказиш учун республикамизда ташкилий комитет тузилди. Комитет ўз зиммасидаги вазифаларни бажаришга киришди. «Тошкент оқшоми» мухбири симпозиум ташкилот комитетининг илмий котиби, Навоий номидаги адабиёт музейининг директори, филология фанлари доктори, профессор Ҳамид Сулаймоновичдан Сулаймоновга мурожаат қилиб, газетхонларимизга симпозиум қатнашчилари муҳокама қиладиган муаммолар ҳақида гапириб беришни сўради.

— Олимларнинг Самарқанддаги халқаро учрашуви,— деди Ҳ. Сулаймонов, — кўп мамлакатлардаги мутахассислар диққатини жалб этди. Симпозиум муҳокама қиладиган масала — Темурийлар даври санъати мавзуси ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё халқлари цивилизациясини ўрганишда асос қилиб олинган беш муаммодан биридир. Марказий Осиё халқлари цивилизацияси эрамиздан илгариги ўрта асрлардан тортиб ўрганилмоқда. Бу катта ва қизиқарли муаммони объектив ва тўла ҳал этишга турли соҳа олимлари — археологлар, тарихчилар, санъатшунослар, адабиётшунослар жалб этилган.

Шубҳасиз, Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон, Покистон ва бир қатор Совет Ўрта Осиё республикаларини ўз ичига олган Марказий Осиё халқлари цивилизациясини ўрганиш муаммоси олиб бориладиган тадқиқотлар ҳажми жиҳатидан ҳам, илмий масалалар доираси жиҳатдан ҳам ғоят мураккабдир.

ЮНЕСКО бу муаммонинг бешта асосий йўналишини белгилаб олди. Биринчи мавзу кўшанлар даври Марказий Осиёси археологияси ва тарихидир. Утган йил октябрь ойида Душанба шаҳрида шу мавзуда халқаро симпозиум ўтказилди. ЮНЕСКОнинг Ҳиндистонда бўлиб ўтган симпозиумида қатнашган олимлар эса Марказий Осиёда фикр-мулоҳазалар ўтказишни режалаштирмоқдалар. Бундан ташқари, 25 та редуктор, 22 та дизель ҳам «иккинчи ҳаёт»га қайтди. Қўлга киритилган бу зафарларда заводимизнинг Ҳ. Қосимов, У. Умарбеков, Н. Бутаев, Т. Солиҳов сингари қалби олов ишчиларининг қўшган ҳиссаси баракали бўлди. Улар шу кунларда ҳам ғайрат кўрсатиб ишлаб, смена топшириқларини 130-135 процент адо этмоқдалар.

Ишчиларимиз кучи билан ремонт қилинаётган тепловозлар Ангрен, Ангрен, Ангрен,

ИЮЛЬ СОНИДА

«Шарқ юлдузи»

Журналнинг июль сони босмадан чиқди. Дастлабки саҳифаларида РСФСРда ўзбек адабиёти ва санъати ўн кунлигига бағишланган асарлар ўрин олган. С. Сартаковнинг «Саратон кунларидан бирида» ҳикояси, Я. Смеляков, Н. Тихонов, Н. Рыленков ва бошқа рус шоирларининг янги шеърлари эълон қилинган. Шунингдек татар адабиётидан бир қанча янги таржималар чоп этилган.

Шунингдек «Публицистика», «Замондошларимиз портрети» рубрикалари остида қизиқ материаллар бор. Ҳашар қиссанинг янги бобини Ҳ. Тўхтабоев ёзган, «Санъат», «Ҳаёт ва ёзувчилик маҳорати», «Ёшлар минбари», «Танқид ва адабиётшунослик», «Тақризлар», «Иллар, фактлар, воқеалар», «Нодир саҳифаларни варақлаганда» деган умумий сарлавҳалар остида қизиқ-қизиқ материаллар эълон қилинган. «Чаян» номли татар юмористик журнали «Шарқ юлдузи»нинг меҳмони бўлган.

РСФСРда ўзбек адабиёти ва санъати ўн кунлигига

Николай ТИХОНОВ.

ИСКАНДАР ДАРВОЗАСИ

(Покистон ва Афғонистон ҳақидаги шеърлардан)

Оҳиста ҳикоя бошлади афғон,
Юксак деворларга ишора қилди:
— Қачондир эди бу ўтиб бўлмас ғов,
Искандар уни нақ иккига бўлди...
Бахсу тортишувдан ўзи не ҳожат?
Ҳа, уни бузганлар.
шубҳа йўқдир ҳеч.
Фақат тушганмас, бунда бешафқат
Ўзга каромат ҳам кўрсатган қилич!
Тоғларинг нақадар юксак, пурвиқор
Суҳбатинг қанчалар дилкаш ва содда.
Ғуссанг, йўқсиллигинг эй, афғон, зинҳор
Кўтарилмас дейман бизларнинг ёддан.
Англаб олгил. дўстим. даҳшат эмас, йўқ.
Биз тинчлик келтирдик, хонадонингга.
Дўстлик сўзи ёриб ўтар ҳар говни
Шу сўз билан келдик сенинг ёнингга.

О. Ҳакимов таржимаси.

Леонид МАРТИНОВ.

ЕР

Бир ҳаяжон тиниб-тинмасдан
Туғилади янги ҳаяжон:
Ишқи дилга бўлиб пайваста
Чиройлироқ туюлар жаҳон:
Тупроқ —
Қўниш майдони қилиб
Шиббаланган тарновлар қўйилган,
Кўкрагига тарновлар илиб,
Бағри қувур кўмиб ўйилган,
Елкасига ўғит уюлган,
Баданин ток титратган тупроқ
Туюлади кун сайин хўброқ,
Олисларда
Янги кун ғўнғонган,
Бағри бутун, ёмғирга қонган,
Баҳодирдай ёши етилган,
Бугун қайта кашф этилган
Қўриқ ерлар,
Йўқ,
Тўриқ ерлар
Уфққа ўз сирини шивирлар,
Шу ерларнинг кўксида мамнун
Тонг билан тонг учрашар ҳар кун.
Май тонгида ўзга таманно.
Булбулларнинг тилида ҳам Май.
Она-тупроқ, энг буюк барно,
Тўлиб борар чиройга тинмай.

Ҳ. Шарипов таржимаси.

Евгений ЕВТУШЕНКО

. . .

Қор ёғмоқда оппоқ-оппоқ,
Оппоқ илдай узун-узун
Яшамоқ соз ўлмай мутлоқ,
Лек илож йўқ бунинг учун.
Кимларнингдир жони изсиз
Эриб олис ёқда бу он
Мисоли шу қордай тиғиз
Учар Ердан осмон томон.
Қор ёғмоқда оппоқ-оппоқ...
Кетажакман бир кун мен ҳам.
Қайғу солмас ўлим мутлоқ
Ўлмасликни ҳам истамам.
Мўъжизани тан олмасман.
Мен қор эмас, юлдуз эмас.
Қайта бошдан келолмасман,
Қилмасман ҳам буни ҳавас.
Кўп ўйлайман мен гуноҳкор
Бу ҳаётда ким эканим:
Ҳаётдан ҳам тотли не бор
Мен севганим, мен севганим?
Мен севганим Россиядир.
Вужудим-ла? севдим уни.
Унга жоним бахшийдадир,
Севдим унинг еру сувин.
Севдим унинг ўрмонларин,
Нимаси бор, севдим барин.
Севдим унинг Пушкин, Разин
Билан чолу кампирларин,
Яшамасам тўла-тўкис,
Нолимадим, қилдим тоқат.
Яшамадим сиплик, текис
Лекин унга қилдим хизмат.
Умид борки, тинч бўлмасман,
Хавотирда дил беадад
Россияга ҳеч бўлмаса
Берай дейман жиндек мадад.
Майли мени унутсин у,
Бу мен учун ҳеч гап эмас.
Фақат бўлсин умри мангу,
Мен учун шу бахт ўзи бас.
Қор ёғмоқда оппоқ-оппоқ,
Пушкин, Разин даврида ҳам
Ёққанидай ёғар, бироқ
Шундай ёғар ортимдан ҳам
Қор ёғмоқда пағa-пағa,
Қамаштириб кўзимни,
Тўхтамасдан ёға-ёға,
Кўмиб кетар изимизни.
Ўлмасликнинг йўқ иложи
Лекин менга бир умид ёр:
Россиядир кўнгил рози,
У бор экан, демак мен бор.

А. Абдураззоқ таржимаси.

Раҳмат ФАЙЗИЙ

ҲАЗРАТИ ИНСОН

(РОМАНДАН ПАРЧА)

Маҳкам ака кейинги пайтларда сурункасига икки сменалаб ишлайдиган бўлиб қолганди. Бир у эмас, артелдагиларнинг кўплари икки сменалаб ишлар зарурат бўлиб қолса, учинчи сменага ҳам қолишарди. Исмоилжоннинг ўзи ҳам раисман деб, қўлини чўнтагига солиб юрмас, чарчаб ҳолдан тойган, ё бетоб бўлиб қолган устанинг ўрнида ишларди. Бундай ҳол тез-тез бўлиб турарди.



Исмоилжон раисликни идорадамас, цехнинг ўзида қиларди, секретарь кўтариб келган қоғозларга кўпинча иссиқ сандон устида қўл қўярди. Бир сафар Қодирхўжанинг ўзи шу ерга қадам ташларди-ю, бироқ чеҳраси очиқ, хурсанд эди.

— Ассалому алайкум, ҳорманг, — деди Меҳриниса унинг ёнига келиб.

— Тинчмисизлар! Мана, болаларни бир хурсанд қилайлик, — дея қўлидаги ўроқлик нархини узатди. — кеча, олдимиздаги дўконга кирувдим.

— Вой, гиламнинг пулини олдингизми! — хурсанд бўлиб сўради цехда.

Кеча иккинчи смена охирлаб қолганида Маҳкам аканинг ёнида ишлаётган Соли уста ўзидан кетиб, йиқилиб тушди. Зудлик билан касалхонага олиб кетишди. Соли уста ўрнига келадиган шеригини йўқлигини билган Маҳкам ака сменани тугатди-да, бир пас нафас ростлаб, ўша ерга ўтди. Учинчи сменага қолиб кетди.

Меҳринисa ҳам бунга кўниккиб қолганди. Вақтидаги қайтмадими, яна бир сменага қолганини билардн. Эрталаб барвақт туриб ҳовлига қаради, болалар тургунча зарур кирларни ювиб олиш тараддудини кўриб турганида, эчкидан эри кириб келди. Кўзларн ич-ичига тушган, юзларн сўлғин Маҳкам ака ҳолдан тойиб, зўрға қадам ташларди-ю, бироқ чеҳраси очиқ, хурсанд эди.

— Ассалому алайкум, ҳорманг, — деди Меҳриниса унинг ёнига келиб.

— Тинчмисизлар! Мана, болаларни бир хурсанд қилайлик, — дея қўлидаги ўроқлик нархини узатди. — кеча, олдимиздаги дўконга кирувдим.

— Вой, гиламнинг пулини олдингизми! — хурсанд бўлиб сўради Меҳриниса.

Тўла жаллоб гиламнинг ярим пулини берганича ярмисини ҳозиргача чўзиб юрардн. Меҳриниса ҳар куни бу пулни кутарди. Ҳали қўлига тегмай туриб, уни тақсимлаб, оладиган нарсаларини мўлжаллаб қўйганди.

— Ундан умидингни уз, хотин, — деди Маҳкам ака айвонга чиқа туриб.

— Вой, нега!

— Қамалиб қолди.

— Вой, шўрим, қали буям бор эканми бизга. Айтувдим-а, ҳаром-ҳариш иш қиладиган одамга сотдингиз деб, ўзиникига қўшилиб сурибкетди денг ҳали. Шунча пул-а!

— Кел, қўй. қани, болаларингни уйғотчи..

Меҳриниса эри олиб келган нарсаларни кўрмасданок юрагига сиғмай қолди. Тугунни айвон пабига қўйиб, самоварга қараганн кетди.

— Ҳой, турмайсанларми, офтоб ёйилиб кетди-ку, — деди Маҳкам ака болаларнинг тепасига бориб.

Витя бошини кўтариб, дадасига салом берган бўлди-да, тағин бурканиб олди. Сарсонбой бир ағдарилиб, Остапнинг устига оёқларини ташлади, бундан Остап уйғониб кетди. Кўзи очиқ, ётаверди. Абрам Галя билан кўрпа тагида пичирлашиб ётишарди.

Меҳриниса тугунни очибоқ, жиғибийрон бўла бошлади:

— Барака топгур. тайёридан олмай, газмол олиб келсангиз-ку, бир хилда қилиб, ўзим тикиб берардим-а.

— Қўй, хотин. Борига шукур қилавер, — деди эри ва чўнтагидан пул чиқариб узатди, — ма, харажатларингни қилрасан.

— Шу одатингиз қолмади-да. Бу ёғини қандай етказаман энди, — пулнинг чўғини кўриб, хунобн ошди, — жилла бўлмаса, арзонроғидан ола қолмайсизми.

— Турсаларинг-чи ҳой, қани, ким олдин салом берса, ўшанга бир нарса олиб келганман.

Леся сакраб турди, кела солиб., дадасини қучоқлади.

—Салом қани, қизим!

— Юзимни ювмадимку.

— Бу сафар ювмасанг ҳам майли.

— Ассалому алайкум. Вуй, дада, нега кўзингиз бунақа!

— Чарчаганимдан, қизим..

— Ётинг, Мана менинг ўрнимга ётинг.

— Ҳўп. Баракалла, меҳрибон қизим. Менга қара, мени яхши кўраснанми!

— Жуда, жуда.

—Қайси кўзинг билан!

— Иккала кўзим билан.

— Тағин -чи!

— Тағин, тағин, юзим, лабим.. — деб турганда, бўйнидан қаттиқ қучоқлаб, ўпа бошлади.

— Қани, мана бу кўйлакни кийиб кўр-чи.

Леся Шовкин солиб, қўлида кўйлак билан ўйинга тушди. Остап ўрнидан турди. Чопа солиб. ҳовлига тушди, ювинди. Укасининг кувонаётганидан у ҳам хурсанд эди.

— Ассалому алайкум, дада, ҳорманг, — деди дадаси ёнига келиб.

— Қани, ўғлим, мана буни кийиб кўрчи.

— Раҳмат, дада, — деди Остап кўйлакни оларкан.

— Мана бу Абрамга, бу Галя қизимга.

Болалар кўйлакларни кийиб, бир-бирига кўрсатишардн. Маҳкам ака уларга қараб, аграйиб қолган Сарсонбойга бермоқчи бўлган шим қўлида турганини пайқамасди.

— Бу кимга! — сўради Витя.

— А! Бу — Сарсонбойга. Сенга ботинка олиб келганман, ўғлим. Қани, кийиб кўр-чи,

Витя хурсанд бўлиб, ботинканн кия бошлади. Роса уринди, ипларини олиб ташлаб кийиб, кўрди, сиғмади. Ботинканн отиб юборибб, бир чеккага борибб, тумшайиб ўтирибб олди.

— Оббо, Улчовини кўрсатувдим-а. Қани, Остап, сан кийиб кўр-чи.

Остап ботинканинг бир пойини кийиб кўрди, Унга ҳам сиғмади. Кейин Сарсонбой кийди. Унга ҳам тўғри келмади.

—Қилган ишингиз бор бўлсин, Энди нима қиламиз. Энг зарурн шу эди. Толеи ўлгурнн қарангки. нуқул шунга қолганда аксига юрадн. Кўнгли чил-чил бўлиб кетди-е.,. — деди Витяга эшиттиркмай Меҳринисa.

Ботинканинг бир пойини Абрам, бир пойини Галя кийиб дўкиллатиб у ёқдан —бу ёққа юришарди. Унга сари Витянинг қовоқлари осилиб, ҳўмраярди.

— Ҳечқиси йўқ., айирбошлаб келаман, Ҳафа бўлма, ўғлим.

Одатда тунги сменадан кела солиб, ўзини ўринга ташлайдиган Маҳкам аканинг кўнгли тўлмади, қандай нонушта қилганини ҳам билмади. Витяни етаклаб, кўчага чиқиб кетди.

Рамз БОБОЖОН

ОБИ ҲАЁТ

(ДОСТОНДАН ПАРЧА).

I.

Балли!
Марказкомнинг,
диққат марказида,
Нотиқлар сўзида,
Элнинг кўзида,
Олимлар фаразида,
Рақиблар ғаразида.
Энг муҳим масала,—
сув масаласи,
Башариятнинг
кекса фалсафаси:
Асрий бир зиддият —
Ҳам бахти,
ҳам фожиаси..
Қалбдаги қатъият,
Шижоат,
Ғурур,
Суяк суриб келган меҳру
муҳаббат,
Онгдаги инқилоб,
Нуроний шуур,
Улка гўзаллиги,
ҳусну жамоли,
Халқимнинг мардлиги,
эрки,
камоли,..
Аммо
Беандиша табиий офат,
Гаримсел ялаган,
қовжираган боғ,



Ташналикдан жон берган
тупроқ,
Карвон
йўлидаги баланд-пастликлар,
Баъзан кутилмаган маст-
аластлнклар:
Бўронлар,
Тўфонлар..,
Кун-кеча тизгинин узган,
Учраганни қўтосдай сузган,
Қутурган Аму
Мени ҳам
даврага этади даъват,
Чорлайди баҳсга..
Ташаккур!
Таклифнома
шарт ҳам эмас-ку!
Билмайман ҳаловат.
Утайман бурчни,
Асабларга жамғариб кучни.
Лекин, бу шоир деб, довдир
деб, қараманг холос.
Дипломат
баёнот бергандай
ТАССга
Эзгу қоидани сақполмайман,
рост.
Сўзларга кийдириб шохона
либос..
Кечиринг,
Узр!
2.
Ғоманнтик хаёллар қўймайди
баъзан,
Баъзан бепарволик,
бегамлик қурғур
Бағрига олгудай бўлади,
зотан
Ургимчак уядай чувалган,
бенур!
Йўқ!
Пайти эмасдир
эринчакликнинг,
Узлатга чекинсин ғафлат,
мудроқ!
Эй; илҳом париси,
қанотингни қоқ!
Хабар ол!
Жанубий нуқтада не ҳол?
Ҳайҳот!
Ҳали тотмай
келинчакликнинг —
Ширин-шакарини,
нашъу намосин,
Лекин
қорачигдай сақлаб ҳаёсин,
Яна тул қолдими,
Сурхон чўллари!?
Аму ўшқиради
ҳаддидан ошиб,
Тутоқади кўпириб,
тошиб,
Сармастликдан —
қинғир йўлларн,..
Ўшқиради,
солади шовқин,
Қамчинидан қон томган
эрдай.
Майли,
эй она-ер,
меҳрибон хотин,
Бош эгма
ўзингни мағрур тут,
гердай!!
Мабодо
топтаса,
ҳақоратласа,
Халойиқ олдида беради
жавоб.
Ахлоқ кодексин
наҳот ёдласа,
Шунчаки
амал қилмай,
сақламай одоб—
Баъзи кишилардай
рйёкорона..



МОСКВА. Қизил майдон.

Зоҳир АЪЛАМОВ

Иккилавҳа

Бахтли билет

Кечқурун. Иш куни тамом бўлиб, одамлар уй-уйига шошаётган пайт. Уларнинг кўзларида чарчоқ сезилади. Автобус ҳам кун бўйи ишлаб толиққандек секин юради. Бекатда «уҳ-уҳ» дегандек ғалати товуш чиқариб, эшикнигина эшигини очади. Сўнг ҳорғин кучаниб қўзғалади-да, яна ишда давом этади.

Навбатдаги бекатлардан бирида автобусга ўн олти ёшлар чамасидаги қизча чиқди. У кассага пул ташлаб, билет олар экан, номерига қарадию юзлари бирдан ёришиб кетди, кўзларида севинч нури порлади. Унга «бахтли билет» чиққан эди. Эҳтимол қизча илк севгисини, ё кўнглига тугиб қўйган эзгу ниятини шу билетга боғлагандир. Ўн олти ёшда бундай иримларга астойдил ишонилмаса ҳам. аллақандай умид боғланади.

Автобус яна бир тўхтаганида контролёр чиқди. У пенсия ёшига бориб қолган, кўзойнакли, қотмадан келган киши эди.

— Ўртоқлар, билетларингни тайёрланглар. — деди у йўғон овоз билан ҳайдовчидан контроль варақани ола туриб. Сўнг бир бошдан билетларни текшириб кела бошлади. Навбат қизчага етганда у билетини узатар экан-секин, ийманиб:

— Амаки, йиртмай қўя қолинг, бахтли билет экан,— деди.

Контролёр қизчага кўзойнаги устидан қараб.

— А?!— деди. Кейин, тушунди шекилли, оғзини катта очиб кулди-да: — Об-бо зумраша-ей, ҳали она сутинг оғзингдан кетмапти-ю, бахтни ўйлайсан!— дея совуққонлик билан билетни иккига бўлиб қизга қайтарди. Орқага ўтиб кетди ва яна нималардир деб бир-икки кишини кулдирди ҳам.

Лоладек қизариб кетган қиз билетга қараб секин хўрсинди ва маъюс кўзларини иккига бўлинган билетга тикиб ўйланиб қолди. Унинг назарида кичкина бахти, умиди бепарво йиртилган эди.

Анҳор

У анҳор бўйидаги қияликда тирсагини тиззасига тираб, сувга тош отиб ўтирарди.

Гоҳ пайдо бўлиб, гоҳ йўқ бўлиб кетаётган гирдобчани пойлар экан, «Агар тегса, у менники бўлади. Агар тегса, у мени севади» деб такрорларди. Лекин ҳеч тегиза олмас, бундан юраги сиқилар эди. У эндигина сабза урган мўйловини бармоқ учи билан оҳиста силар экан, — шу тошга ишониб бўлармиди», дея ўзини юпатган бўлди.

Бирдан... тошлардан бири айёр гирдобчага тегди. Ҳа, қоқ ўртасига бориб тушди. Севинганидан юраги чапак отиб кетди. Хаёлини сув олиб қочди.

...Севиклиси келди. Тиз чўкиб унга муҳаббатини изҳор қилди. Айтолмай юрган ҳамма гапларини айтди. Севиклиси эса ажойиб бир табассум билан қўлини узатди.

Улар икки чети ям-яшил сўқмоқдан кўл ушлашиб кета бошлашди. Бир-бирларидан кўз узмай кетар эканлар. сўқмоқ уларни баланд тоғларга чўққиларга олиб чиқди. Зум ўтмай оёқлари остига оппоқ булут келиб қўнди. Чиқишди. Учиб кета бошлашди.


Қиз шабададан сесканди. Йигит унинг елкасига қўлини ташлаб ўзига тортди. Қиз қувонч тўла кўзлари билан қулиб боқарди. Ҳеч нарса керакмас бошқа...

Анҳор бир ўшқирди-ю... уни ерга олиб тушиб қўйди. Хўрсинди. Кўкка қаради, худди ҳамрохи ёлғиз қолгандек.

Сув ҳамон оқар, гирдобча, эса гоҳ пайдо бўлар, гоҳ йўқ бўлиб кетар эди.

У тош олиб, яна гирдобчани пойламоқчи бўлдию дилига «тегмасачи» деган фикр келди. Тошни нариги қирғоққа, мажнун толлар ичига отди.

Тошкент.



— Сиз ёзган асарлар нега фақат бир мартагина ижро этилади?

— Мен музикада тақрорни ёқтирмайман.

«ЧАЯН» — «ГУЛҚАЙЧИ» МЕҲМОНИ



ЁЗУВЧИНИНГ КЎЗИ ОЧИЛДИ

— Ажабо, милициянинг олижаноб ишларини нега шу пайтгача кўрмаган эканман?

Кунлардан бир кун...

1926 йили Парижда кинематография ходимларининг Жаҳон конгресси бўлди. Конгресс қатнашчилари ака-ука Люмьерлар ихтиро этган кино санъатининг аҳамиятн, уни ривожлантириш йўллари ҳақида маслаҳатлашдилар Улкан залнинг бир бурчагида мунғайибгина ўтирган бир қария конгресс ташкилотчилари диққатини ўзига тортди. Танаффус вақтида оддийгина кийинган бу қариядан:

— Сизга ким керак?— деб сўрадилар.

— Бу конгрессга сизни ким таклиф қилди?

Қария уялинқираб ўрнидан турди-да:

— Биласизларми, менинг фамилиям Люмьер,— деди. Маълум бўлишича, конгресс ташкилотчилари улуғ ихтирочини кино ҳақидаги анжуманга таклиф қилишни ёддан чиқарган эканлар.

* * *

Таниқли инглиз ёзувчиси Бернард Шоу бир куни кўчада шошиб бораётганида велосипед босиб олай дебди. Йигит ёзувчидан кечирим сўрабди. Бернард Шоу эса афсуслангандек бош чайқаб, бундай дебди:

— Омадингиз юришмади, оғайни. Агар велосипедни сал тезроқ хайдаганингизда мени ўлдирган шахс сифатида тарихга кириб қолардингиз.

* * *

Айтишларича, Альберт Эйнштейн жуда пала-партиш кийинар экан. Бир куни у Нью-Йоркда эски ташнишни учратиб қолибди.

— Жаноб Эйнштейн, — дебди олимнинг таниши салом-аликдан сўнг.— пальтоингиз эскириб қолибди, янгилаб олинг.

— Нега энди?—дебди олим лоқайдлик билан.—Мени Нью-Йоркда ҳеч ким таннимайди..

Бир неча йил ўтгач Эйнштейн ҳалиги таниши билан яна учрашиб қолибди. Улуғ физик ҳали ҳам ўша эскирган пальтода юрган экан. Олимнинг таниши тағин янги пальто ҳақида сўз очибди.

— Нега энди?—дебди олим.— Ахир бу ерда мени ҳамма танийди...

* * *

Ҳаддан ташқари семириб кетган бир фабрика эгаси атоқли врач Боткиндан:

— Сиз подагра — бод касаллигига қарши бирон яхшироқ давони билмайсизми?— деб сўрабди.

— Виламан.— деб жавоб беради Боткин, — ҳар куни бир сўмлик овқат ейиш лозим, лекин ўша бир сўмни ўзингиз меҳнат қилиб топган бўлишингиз шарт.

* * *

Бир граф микробиолог олим Луи Пастерни дуэлга чақирганнинг секунданти орқали маълум қилибди.

— Ундай бўлса.— дебди олим, — мен қурол танлашим керак.. Мана иккита колба: уларнинг бирида қора чечак микроби, иккинчисида эса тоза сув. Граф шулардан бирини ичса, мен иккинчисини ичишга тайёрман.

Графнинг дами ичига тушиб кетибди.

Ажойиботлар

Электр чўпон

Эстония чорвачилик ва ветеренария илмий-текшириш институтининг ходимлари янги электр-чўпон ихтиро қилдилар. Бу электр-чўпоннинг афзаллиги шундаки, у электр тармоғидангина эмас, балки олти вольтли аккумулятор батареясида ҳам ишлайверади. Бутун комплект икки ғилдиракли аравага ўрнаштирилган.

Электр-чўпонни кўлаб ишлаб чиқариш «Сельхозтехника» Харьюс район бирлашмасига топширилди.

Туз тахирни йўқотади

Ўрмон рябинасидан (четан) мураббо, ҳам, шарбат ҳам тайёрласа бўлади. Унинг мевасини шакар қўшиб еса ҳам мазалидир. Яхши консервалар тайёрласа ҳам бўлади. Аммо унинг тами тахирроқ. Консерва заводларининг хомлари унинг тахирини йўқотиш учун кўп уринишди, аммо ёлжи топилмади. Минсклик мутахассислар унинг давосини топишди. Мураббо қайнатилаётганда намакоп ташланса, рябина тахирини тамоман йўқотади.

«Тескари» кўл

Иссиқ сув юқорига кўтарилади. Физиканинг ана шу қонунига кўра денгиз ёки кўлларда сув остида ҳарорат юқоридагидан паст бўлади. Қизил денгиз яқинидаги бу кўлда эса тескари ҳолни кўрасиз. Бу кўлда физика қонунлари ҳам тескари. Кўлнинг юза қисмида сув ҳарорати ўн олти даража, бир ярим метр чуқурликда эса қирқ даража иссиқ.

«Тайга хўжайини»

Экран янгиликлари

«Мосфильм» киностудияси ишлаган бу фильмнинг сценарийсини Борис Можаев ёзган. Режиссёри Владимир Назаров.

Серёжкин уйида камдан-кам бўлади. У чарчаб келиб қўлида криминалистика дарслигини тутган ҳолда энди кўзи уйқуга кетганида кимдир дераза-ни шиддат билан тақиллатиб қолади. Бир магазинни ўғри уриб кетипти. Тез чора кўриш керак. Тим қоронғи тунда, ёмғир ёғиб турган бир пайтда узоқ қишлоққа бориш керак.

Магазинга тушган ўғри ўрмон кесувчи Ипатов деб гумон қилинади. У мастлик пайтида ўртоқларининг гиж-гижлашлари натижасида ҳеч қандай асбобсиз отни калласидек қулфини қўли билан синдириб ташлаган.

Одамларни яхши таниган ва ўз моҳирлигига ишонган Серёжкин гумондан шубҳа қила бошлайди. У ҳақиқий жиноятчилар изига тушиб, уларни қўлга олади.

Серёжкин жиноятчилар қўйган тузоққа илиниб жони қил устида турган бир пайтда ҳам қутилиб қолади. Унинг уддабуронлиги, топқирлиги қўл келади.

Серёжкин ролини Москвадаги Таганка театрининг артисти Валерий Золотухин ижро этади. У Луначарский номидаги театр институтининг музикали комедия бўлимини тугатган. Бу фильмда томошабинлар унинг ижросида бир нечта қўшиқ ҳам эшитадилар. Валерий Золотухиннинг биринчи роли «Пакет»даги Петя Трофимовдир.

Рябой ролида эса «Дима Горинниng мартабаси», «713-қўймоқчи», «Болаликни қўмсаш», «Вертикаль», «Икки ўртоқ хизматда» каби фильмларида муваффақиятли иштирок этган Владимир Висоцкий ўйнаган.



СУРАТДА: фильмдан кадр.

Мудофаа жамияти—юбилейга

Комитетимиз ўз фаолияти давомида она-Ватанимизга минглаб мутахассислар тайёрлаб берди. Булар шофёрлар, парашютчилар, телевизор, радио усталари ва мерганлардир.

Ҳозир шаҳримизда 314034 аъзо бўлиб, уларнинг кўпчилиги ёшлардир. Комитетимиздаги мавжуд қуйи ташкилотлар йил сайин ўсяпти. Жойларда кўнгилли ДОСААФчилар тобора кўпаймоқда. Комитетимизда етти ой мобайнида 34 янги қуйи ташкилотлар тузилди, аъзолар сони 20153 кишига кўпайди.

Шу ойлар давомида комитетнинг яқиндан берган ёрдами туфайли 6763 ёш Ватанимиз мудофаасига тайёрланди, уларнинг кўпчилиги Совет Армияси сафларига узатилди. Шуниси қувончлики, буларнинг 4204 таси техник ихтисослар бўйича кадрлардир. Улар махсус малакага эга бўлган барча классдаги шофёрлар, мотоциклчилар, парашютчилар, радио ва телевизор усталаридир.

Ҳозир шаҳримизда спортнинг техник турлари бўйича бир неча тўгараклар ишлаб турибди. Тўгаракларда ўтказилаётган машқлар ниҳоятда юқори савияда бўляпти. Малакали ўқитувчилар тўгарак қатнашчиларининг яхши таълим-тарбия олишларини таъминламоқдалар.

Яқинда республикамизда биринчи марта ташкил этилган катталар милтиқ отиш спорти клуби ва ёшлар ҳамда болалар милтиқ отиш мактаблари мунтазам ишлаб турибди.

Шаҳар ижроия комитети комитетимизга яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Яқинда барча тўгараклар учун 5 гектар майдон ажратиб берилди. Бўлажак шофёрлар ҳам ўз автодромларида шуғулланишмоқда.

Биз ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялабгина қолмай, уларнинг соғлом, жасур ва ҳар томонлама етук бўлишини асосий мақсадларимиздан бири деб биламиз. Шунинг учун ҳам ўтаётган мусобақалар ёшларнинг ҳар томонлама камолга етаётганидан далолат бериб турибди.

13 июлда республика ДОСААФ комитетининг биринчилиги учун автодромда бизнинг комитетимиз спортчилари биринчи ўринни эгаллашди. Ҳозир эпчил шофёр спортчиларимиз сентябрда Минскда бўладиган Бутуниттифоқ мусобақаларига тайёргарлик кўришяпти.

Яқинда область биринчилиги учун бўлиб ўтган енгил машиналар мусобақасида шаҳримиз спортчилари ғолиб чиқдилар. 17 июлда республика биринчилиги учун автомодель спорти мусобақасида ҳам биринчи ўрин бизга насиб қилди. Энди ғолиблар яқинда Рязанда бўладиган Бутуниттифоқ мусобақаларида қатнашадилар ва шаҳар ДОСААФчилари шарафини ҳимоя қиладилар.

Шаҳар ДОСААФ комитети олдида улкан вазифалар тур и б д и. ДОСААФчилар жаҳон пролетариатининг доҳийси В. И. Ленин туғилган куннинг юз йиллиги олдидан барча техникавий спортлар бўйича катта муваффақиятларни қўлга киритиш учун қизғин тайёргарлик кўришяпти.

Д. А. ДЁМИН,
шаҳар ДОСААФ комитети раиси.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

Николай Никитин
Кўкон вокеаси
РОМАН

'Аввакумов отларни қалъада олиб қолди. Юсуф қаршилик қилмади. Энди ликда қайтса кишавлаб зиндонга ташланишини у жуда яхши биларди... Нечун у ўзини шундай азобга солиши керак? Юсуф Аввакумовга хизмат қила бошлади. Уни эски шаҳарга разведкага юборишди. Бир оз пул беришди. Пулни белбоғига яшириб қўйди.

Юсуф чойхонага бир ўзи ташлаб чиқди-да, чўққа тушиб олиб, оҳистагина деди:

—Мен сенга жавоб бермайман, чунки жим туриш мурдининг фазилати.

Чойхонадагиларнинг ҳаммаси кулиб юборди. Меҳмонлардан бири қиздай гўзал ёш йигит айниқса қаҳ-қаҳ уриб кулди. Ҳамма уни Сафар деб чақиришарди. У Юсуфнинг олдига келиб, пешанасига бир чертди-да, сўради:

— Ким ўргатди буни сенга?

— Одамлар.

—Одамлар? 'Абдулла, эшитяпсанми бунинг гапини? Одамларми ш,— деди йигит қиморбоз шеригига имо қилиб, сўнг яна Юсуф томонга бурилди:— Демак сен мурид экансан-да?

— Йўқ, ҳали мурид бўлганимча йўқ.—деди Юсуф қиморбозга.

Чол Ортиқматов қўлини сонига уриб ўтирганларга мурожаат қилди:

— Ҳой мусулмонлар, сизларни яна бир мурид билан табриклайман! Эҳтимол, сен эшон бўларсан? Сўнг жиҳод эълон қиларсан?

Юсуф уни калака қилаётганларини англади. Лекин бўш келмасликка қарор қилди. Ҳатто муштини қисиб қўйди.

— Мен эшон бўлмайман! —деди у.

— Нега? Ақлинг етмайдими? Худосизмисан? Ёки жадидми бу-а?— ғовур-ғувур солишди ҳар томондан чойхўрлар.

Бутун чойхона унга ёпишди. Бу ишёқмас чойхонага тўпланиб зерикканидан бирор нарса топиб, эрмак қилишга одатланишганди. Юсуф сесканиб кетди. Қопқора кўзлари пир-пир учди.

— Энди эшонлар йўқ,— деди у ижирганиб.

— Эшонлар йўқ? Абдулла, эшитяпсанми?

— Эшонлар ҳамма вақт бўлади,— деди ишонч билан иккинчи қиморбоз.

— Йўқ!—деди у чўрт кесиб, бу одамларни ёқтирмагани учун ўжарлик қилиб худди болалар сингари баҳслашарди.

Хомсемиз Абдулла кичкина ошиқни йирик муштида сиқди. Кейин уни ирғитиб ҳавода тутиб олди-да, унинг ўткир қирралари билан сержун кўкрагини қашиди ва Юсуфга шубҳали назар ташлади.

— Сенингча, бизнинг давримизда ҳурматли кишилар йўқ экан-да?— деб сўради у ўсмирдан пичинг қилиб.—У вақтда, сен кимга мурид бўласан?

Бу саволга Юсуф жавоб бера олмади. Аммо у «Бу аблаҳлар билан ади-бади қилиб ўтиришдан на фойда! Мен бошқаларнинг гапига қулоқ солиб ўтирганим яхши эмасми», деб ўйлади. У кафти билан оғзини беркитди, бошини болишга қўйди-да, ўзини уйқуга солди. Чойхонани яна сукунат босди. Фақат ошиқларнинг шақиллагани эшитиларди. Ниҳоят Абдулла жўраси билан чойхонадан кетди. Улар чиқиши билан чойхонада шивир-шивир бошланди.

— Бу Абдулла деган Ҳамдамнинг ўғли... Ўша нинг худди ўзи...

Чойхўрлар бир-бирига 'Абдуллонинг тарихини ҳикоя қила бошлашди. Ҳар бири унинг саргузаштидан бирор нарса биларди. Бириси Абдуллани туққан хотинининг номини ҳозир ҳамма унутиб юборган деди. «Йўқ, унутганлари йўқ»:— деб эътироз билдирди иккинчиси. Бундан уч йил илгари Андижонда ўлди: У Ҳамдамнинг биринчи хотини Фотима эди». «Семиз эдими? Бева-да? Мен биламан уни,—деди сўз қотиб яна бири.— Отаси пул учун зўрлаб уни олиб берган эди!» «Ўғил онасига ўхшайди».— «Бу ҳам боққол!» «Ҳамдам уни ит каби занжирбанд қилиб қўйган» Чойхўрлар мана шу сўзларни айтишиб, Абдуллани мазах қилиб кулишди.

Чироқнинг пилиги куйиб тугамоқда, самоварчи керосинини иқтисод қиляпти. Шамол эди-ю, самовар яна шигиллаб кетди. Эрғаш милициясининг қуролли бандитлари инқиллаб-синқиллаб ўринларидан туришди.

Улар ғойиб бўлиши билан Ортиқматов бир кўзини очди. Буни самоварчи кўриб қолди.

— Кўрдингми, азаматларни?— деди у меҳмонга,— Бир ҳафтадан бери изғиб юришибди. Саҳар мардондан ярим кечагача ичиб ейишади-ю, бир чақа ҳам тўлашмайди. Буларнинг мақсади битта: халқнинг нима деяётганини эшитиш. Халқ нима дерди? Халқнинг ҳамма гапи газмол ва нон устида. Ҳукумат тепасида ўнта Мамедов бўлсин, барибир газмол ва нонниng нархи арзонлашмади. Бу бизнинг манфаатимизни кўзлайдиган ҳукумат эмас, буларнинг ҳаммаси татар ва яҳудийлар. Хўш, сен нега дамингни чиқармайсан?

—Мен гапириш учун эмас, тинглаш учун келдим бу ерга.

— Сен ҳам айғоқчимисан?— қўрқиб кетди самоварчи.

— Гадойман, — жавоб берди Ортиқматов ва кўзларини юмди.

Самоварчи тупурди, пуфлаб чироқни ўчирди ва сўнг эшикни тамбалади-да, кўмири ёниб тугаётган ўчоқ ёнига бориб ётди. Ҳамма уйқуга кетди.

Чойхона ёнидан чопон кийиб, белига ханжар ва тўппонча осилган отлиқ отряд ўтди. Отлар қалин ёпишқоқ лойдан зўрға юриб боряпти. Отряд олдидаги икки йигитнинг қўлида узун ёғоч осилган фонус. Улар ўртасида бақувват туркман отида Ҳамдам кетяпти. У жунжикиб, елкасини қисиб олган. отнинг тизгинини бўш қўйиб юборган. Отнинг ўзи йўл топиб боряпти. Жонивор оёқларини лойга аста-аста суқади-да, сўнг авайлаб секин суғуриб олади. Отряд ғарб-жануб томонга. Фарғона қумзорлари томонга йўл олган.

19.

—У менга «Халқ бу ҳукуматга ишонмайди» деди. Яна «Бу ҳукуматнинг умри калта, у бизга ёт, ўзбек йўқ унда; ҳаммаси татар ва яҳудий», деди.

— Ҳали гап шунақа дегин!— деди кулимсираб Аввакумов.— Яна нима гап?

— Бўлгани шу.

— Ҳукумат тўғрисидаги гапни ким айтди?

— Самоварчи.

— Хўш, ўзинг нима дейсан? Умри калтамикин; бу ҳукуматнинг?

— Калта.

— Нега?

— Нега бўларди? Бойнинг шўри қурийди... Камбағалнинг орқасига офтоб тегади... Эҳ... —деди Юсуф

— Ҳой, сен бунга қара! Бало-ку бу бола! Жуда ажойиб агитатор!— деди қувончга тўлган Аввакумов Лихолетовга бурилиб. У казарма олдидаги скамейкада Аввакумов билан бирга ўтирган эди.

Қалъа ҳозирнинг ўзидаёқ, эллик кишидан иборат отряд тузган эди. Темир йўлчилар ўз ярог-аслаҳалари билан келиб қўшилди. Ҳамманинг кайфи чоғ. Ревком воқеаларни тушунтириш учун эски шаҳарга одамлар юборишга қарор қилди. Ўзбекчани биладиган Муратов пахта заводига йўл олди. Сашка Лихолетов пилакашлик фабрикасини сўради.

— У ерда аёллар ишлайди,— деди у.— Хотин-қизларни мен ҳамма вақт ишонтира оламан.

Унинг талабини қабул қилишмади. Сашка бундан жуда афсусланди.

— Мен гапга чечанман. Лекин ўрисчани унча яхши билмайман. Мени эски шаҳарга юборинг!—деди Юсуф Аввакумовга.

— Бўтқа едингми?—сўради ундан Аввакумов.

— Едим,— жавоб берди Юсуф бошлиқнинг нега бундай савол берганини англамаса ҳам. Ҳар эҳтимолга қарши у қорнини шапатилаб қўйди.

— Мабодо эски хўжайчининг кўриб қолса нима қиласан?— деди Аввакумов қизил гвардиячиларга кўзини қисиб.

Боланинг ранги ўчди, пинғиллаб:

— Кўрмайди,— деди.

— Мулло Бобо тутиб олса-чи? — деди заҳарханда қилиб Сашка.— У-ку, қулоғингни шартта юлиб олади. Агитатор!

— Йўқ,— деб жавоб қилди Юсуф. Унинг юзларига қон югурди.— Тутолмайди! Қўрқмайман!

— Қўрқишнинг кераги йўқ, аммо эҳтиёткорлик ҳеч маҳал ҳалақит бермайди,— деди Денис Макарович болани меҳр билан бағрига босиб.— Эҳтиёткорни худо асрайди. тавакkалчи бир балога гирифтор бўлади. Ешинг нечада?— сўради у Юсуфдан.

— Ўн бешда.

— Ёлғон айтяпти, — кулди Парамонов.— Еш у!

— Йўқ... Ўн бешда!— қичқирди жаҳлга миниб Юсуф ва яна қизариб кетди. — Мен ҳеч вақт ёлғон гапирмайман.— У хўмрайиб чопарга қаради.

— Сен ҳалиям шу ердамисан?— деди Парамонович кўриб жавабланган Денис Макарович.— Ҳали ҳам қамоқхонага тушганинг йўқми?

Парамонов тумшайиб четроққа ўтиб, пўнғиллади:

— Қамоққа тушадиган айб қилганим йўқ!

(Давоми бор).

(ДАВОМИ. Боши газетанинг 178, 179, 180, 181, 182, 183, 184. 185-сонларида).

Реклама ва эълонлар

Радио

11 август
ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Қурилишдаги ислоҳот» деган эшиттириш (русча). **18.10** В. Бунин. Альт ва оркестр учун концерт. **19.20** Огаҳий номидаги Хоразм область театри артистларининг концерти. **20.00** «Юност Узбекистана» радиостанциясининг программаси. **20.40** Ешлар учун концерт. **21.00** Халқаро мавзуларда суҳбат **21.10** Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 «Янги ёзиб олинган асарлар (ўзбекча).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Совет композиторларининг қўшиқлари. **9.15** Реклама ва эълонлар.

19.00 Мачаварнани. Скрипка ва оркестр учун концерт. **19.30** Эстрада концерти. **20.00** Л. Раковскийнинг «Арзимаган иш» деган ҳикояси (тожикча). **20.20** Мақомлардан парчалар. **21.00** «Севги сатрлари» деган радиокомпозиция (ўзбекча). **21.40** Москва.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

14.00 Татар куйлари. **14.30** Римский-Корсаков «Ўлмас Кашчей» операси. **16.00** Тожик куйлари. **16.30** Симфоник сюита. **17.00** «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» музикали драмасининг монтажи. **18.30** Арбузов. «Иркутсклги воқеа» радиопостановкаси (русча).

12 август
СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонги концерт. **7.40** Чўпонлар ҳақида қўшиқлар: **8.25** Ўзбекистон эстрада оркестрининг концерти. **9.30** Т. Бакиханов: Виолончель сонатасининг биринчи ва иккинчи қисмлари. **10.30** Г. Сабитов. Памир сюитаси. **11.15** «Олимлар — қишлоқ хўжалигига» деган эшиттириш (ўзбекча). **11.30** Ўзбек кинофильмларидан куйлар. **13.30** Шаҳарлар ҳақида қўшиқлар. **15.15** «Замондошларимиз» деган адабий эшиттириш (русча). **15.30** Назарматнинг «Умр ҳикояси» деган радиокомпозиция (ўзбекча). **16.10** Рус классик музикасининг танланган саҳифалари. «Композитор Балакирев (ўзбекча). **16.50** «Правда» газетасининг обзори.

18.00 «Қўриқ ер мактаби» деган очерк (русча). **18.10** М. Левиев: «Сухайл ва Меҳри» балетидан сюита. **18.40** Спорт эшиттириши (ўзбекча). **19.20** Ўзбекистон композиторларининг хор асарлари. **20.00** «Ешлик» радиостанциясининг программаси. **20.40** «Меҳнат — бахт демакдир» деган концерт. **21.00** «Ленинномаа» программаси (русча). **21.30** Концерт. **22.20** Куйлардан куйларга. **22.40** Севимли ёзувчилар радиокутубхонаси (ўзбекча). **23.15** Дам олиш концерти.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 «Ватан, сени шарафлаймиз» деган концерт. **9.15** Реклама ва эълонлар.

19.00 Ю. Казакав. «Бреге занги» ҳикояси асосида радиоинсценировка (ўзбекча). **19.30** Совет Армияси жангчилари учун концерт. **20.00** Далада ишлаётганлар учун концерт (тожикча). **20.30** Қорақалпоқ куйлари. **20.50** «Санъат тили — дўстлик тили». Молдавия радиосининг эшиттириши (русча). **21.00** А. Малъц. «Йўлдаги одам» радиоинсценировкаси (ўзбекча). **21.40** Москва.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

14.00 В. Биков. «Учинчи радоам» радиоинсценировкаси (ўзбекча). **15.30** Т. Хренников. «Она» операси. **19.00** Ака-ука Тур. «Тундаги қочиш» радиопостановкаси (русча).

Телевизор

11 август
ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 Кўрсатувлар программаси. **18.35** Фарғона область Охунбобоев район Тошлоқ пионерлар уйи бадиий ҳаваскорларининг концерти (ўзбек тилида).

Рус тилида: 19.10 Телевизион янгиликлар. **19.25** «Олтин бузоқча». Бадиий фильмнинг иккинчи серияси: **21.05** Кўрсатувлар программаси.

Ўзбек тилида: 21.10 Телевизион янгиликлар. **21.25** В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан. Телевизион театр. П. Турсун. «Ўқитувчи»

Телеспектакль биринчи қисмининг премьераси. **22.45** «ОЛТИН ВОДИЙ» программаси. Самарқанд шаҳридан олиб кўрсатилади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.00 Болалар учун. «Бошоқ». Кўғирчоқ фильм (рус тилида): **18.25** «Ҳақиқий ҳикоя». Бадиий фильм (ўзбек тилида).

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 Зангори экран ҳафталиги. **20.15** «Халхин-голда кечган кеча ва тунлар». Халхин-голда бўлиб ўтган воқеаларнинг ўттиз йиллигига бағишланган эшиттириш: **20.45** Аҳолига граждан мудофааси ҳақида. **21.00** «Пионерия» телевизион агентлиги. **21.30** Эфирда «Молодость» **22.00** «Яширин фронт». Кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг 6—6—7-сериялари. **23.30** «Вақт» информацион программаси. **00.15** Москва кўрсатишларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 ДУШАНБА ТЕЛЕСТУДИЯ. СИНИНГ КЎРСАТУВЛАРИ.

12 август
СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
МОСКВА КЎРСАТАДИ

12.55 Кўрсатувлар программаси. **13.00** Янгиликлар. **13.15** Кичик ва ўрта ёшдаги ўқувчилар учун. «Моҳир қўллар». **13.45** Бадиий ҳаваскорлар коллективларининг концерти. **14.45** Ижод қувончи. **15.15** «Пионерия» телевизион агентлиги. **15.45** Москва кундузги кўрсатувларининг охири.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.30 Кўрсатувлар программаси:

Рус тилида: 18.35 Телевизион янгиликлар. **18.50** Кичкинтойлар учун эртаклар: **19.20** «Олмалиқ кимё комбинатининг бир куни» деган эшиттириш. **19.40** «Муҳим айб». Бадиий фильм (фақат қатталар учун). **21.00** Кўрсатувлар программаси.

Ўзбек тилида: 21.05 Телевизион янгиликлар: **21.20** «Фан» тележурнали. **22.00** «ЕШЛИК» студияси кўрсатади. «Олов қалбли кишилар». **23.00** Даврларнинг ҳаёт қўшиқлари.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Узбек тилида: 18.00 Пионерларнинг ишлари. **18.30** «Қиш тонги». Бадиий фильм.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 Фотоҳаваскорлар учун. «Объектив» программаси: **20.45** «Тезлик учун кураш». Ҳужжатли фильм. **21.05** СССР касаба союзлари Бутуниттифоқ ёзги 9-спартакиадасида. Спорт гимнастикаси. **22.00** «Яширин фронт». Кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг 8 ва 9-сериялари. **23.45** «Вақт информацион программаси. **00.30** Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Узбек тилида: 20.00 Классик музика саҳифаларидан.

Рус тилида: 20.40 «Свердлов шаҳри». Телеочерк: **21.00** «Биринчи севги қиссаси»: Бадиий фильм. **22.25** «Биз туристларимиз». Фильм-концерт.

Театр

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 11/VIII да Тошболта ошиқ, 13/VIII да Ешликда берган кўнгил.

Кино

11 АВГУСТДА
ҚИШКИ БИНОДА

Бомбей тун оғушида — «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИ номли (кечқурун).

Ҳужумкор бўл — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда), «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (кечқурун).

Тайга хўжайини (кеч соат 7 яримда). **Қизларни ўғирлаш** (кеч 9-15 минутда) — САНЪАТ САРОЙИ.

Қўзғолончилар (кеч соат 6 да). **Джазда фақат қизлар** (кеч 8 ва 10 да)— «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИИЛЛИГИ».

Берлин томон йўл — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИИЛЛИГИ» (кечқурун).

Сокин кварталдаги қотиллик — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

ЕЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 ва 10-40 минутда бошланади)

Анжелик ва қирол — «ФЕСТИВАЛЬ».

Бомбей тун оғушида — «ХЕВА».

Сокин кварталдаги қотиллик — ТЕЛЬМАН номли.

12 АВГУСТДА
ҚИШКИ БИНОДА

Бомбей тун оғушида — «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИ номли, «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Ҳужумкор бўл — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда), «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Тайга хўжайини (кундуз соат 3 ва кеч 7 яримда), **Қизларни ўғирлаш** (эрталаб 11, кундуз 1, 5 ярим ва кеч 9-15 минутда) — САНЪАТ САРОЙИ.

Қўзғолончилар (кундуз соат 12, 2, 4 ва кеч 6 да), **Джазда фақат қизлар** (кеч 8 ва 10 да) — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИИЛЛИГИ».

Берлин томон йўл — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Сокин кварталдаги қотиллик — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ. 11 АВГУСТ, 1969 Й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси 15-уй Редакция телефонлари Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари 33-29-42, адабиёт санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, 33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари 33-27-57, саноат транспорт; қурилиш бўлимлари —33-27-03, ахборот бўлими—33-65-57, эълонлар бўлими —33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриёти нинг босмахонаси Тошкент шаҳри

Индекс 64579

НАШР 2821.

Р—03207.